

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСВИКЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йил «26» августдаги № 36 - сонли йўналишида маъқуланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» августдаги № 36 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.


ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

**60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси  
(кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) бакалаврият таълим  
йўналишининг малака талаблари**

Маъқул малака талаблари Олий таълим давлат таълим стандарти Асосий қисмидаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" Ўзбекистон Республикаси Министрлар Маъжлиди раҳбарлигида мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъриий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқда Малака талабларини расмий ҳолатда қабул қилган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Тошкент-2021





### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” ДК

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.



## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9



**1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси  
(кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) бакалаврият таълим  
йўналишининг умумий тавсифи**

*60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртқи ва масофвий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалаврият дастурининг таълим шаклларига кўра ўқишни меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

*60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)* “Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб у Ер сайёрасининг геологик тузилишини, унинг қаърида юз бераётган жараёнларни ўрганишга, ундаги фойдали қазилма конларининг тарқалиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганишга, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, нефть ва газ конларини излаш, разведка қилиш ва улардан самарали фойдаланишга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари, йўсинларининг мажмуасини камраб олади.

**1.2.2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:



- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- минерал ресурслар конлари;
- ер геологик тузилишини ўрганувчи табиий ва табиий-техникавий воситалар;
- нефть ва газ конларини излаш ва разведка қилиш геологик тизимлари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари;
- касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни.

**60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- муҳандислик - қидирув ва лойиха-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш – технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- фойдаланиш-сервис фаолияти.

**1.2.4. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамқасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Муҳандислик-қидирув ва лойихалаштириш фаолиятида:**

- нефть ва газ конларини излаш ва разведка қилишни лойихалаш, таянч ва параметрик қудуқларни бурғилашни лойихалашни, нефть ва газ қазиб чиқариш жараёнида разведка қилишни (доразведка) лойихалаштиришни ва лойихалаштиришда инфор­мациялардан фойдаланиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфор­мация ва имитация моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- лойихавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- геологик съемкаларни амалга оширишнинг асосий технологик йўллари ва усулларини, дала геофизика усулларини, қудуқларда геологик ва геофизик тадқиқотлар олиб боришни; бурғилаш ва қудуқни мустақамлашнинг асосий усуллари ва технологик йўллари, мақсадли горизонтлар очишни, истиқболли объектлар синовини ўтказишни ва олинган ахборотни қайта ишлаш технологиясини амалга жорий қилиш қобилиятига эга бўлиши керак;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёр­гарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштириш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- имуҳандислиш­лаб чиқариш ва ишлов бериш жабҳасидаги объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситалардан самарали фойдаланиш;

- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ижро­чилар жамоаси таркибида иштирок этиш;



- объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларнинг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

- техникавий-иктисодий таҳлил қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

- касбий этика қоидаларига риоя қилиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- ишлаб чиқариш ва ишлов бериш соҳасидаги объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни лойихалаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;

- самарасиз вақт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда қатнашиш;

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар ва нефт-газ казиб олишдаги мураккабликларни бартараф этишда янги технологияларини амалиётга татбиқ этиш; қатлам ва қатламчадан имкон даражасида кўпроқ флюидлар олиш, қудуқларга кимёвий ишлов бериш, нефть, газ бераолувчанликни оширишнинг замонавий усулларини синовдан ўтказишда зарур бўлган илмий –изланиш ишларида иштирок этиш;

- республика ва хорижда чоп этилган нефт-газ технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- таҳлил, ҳисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

#### **Фойдаланиш-сервис фаолиятида:**

- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни синаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.



## **2. 60721600 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича: нефть ва газ конлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар ва нефть-газ казиб олишдаги мураккабликларни бартараф этишда янги технологияларини амалиётга татбиқ этиш; қатлам ва қатламчадан имкон даражасида кўпроқ флюидлар олиш, кудуқларга кимёвий ишлов бериш, нефть, газ бераолувчанликни оширишнинг замонавий усулларини синовдан ўтказишда зарур бўлган илмий;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- республика ва хорижда чоп этилган нефть-газ технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- стратегик ва операцион бошқарув вазибаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазибаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш.



## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, фойдаи казилма, нефть ва газ, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети



Ректор [Signature] проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва  
минерал ресурслар қўмитаси



Нефть ва газ йўналиши бўйича раис маслаҳатчиси [Signature] Н.У. Мухутдинов


2021 йил « 22 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институтини



Директор в.б. [Signature] М.Эсонов

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.



Ректор [Signature] О.Ш. Бозоров

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

“Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда  
кидируви институти” ДМ



Бош директор [Signature] О.А.Қаршиев

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.